

123.9

КУМУВАФФАҚИЯТ ФОРМУЛАСИ


# ДЕЙЛ КАРНЕГИ



## ОИЛАДА БАХТГА ЭРИШИШ ЙУЛЛАРИ



«YANGI KITOB»  
TOSHKENT  
2020



**УУК:** 173.7:159.9

**КБК:** 88.5

**К 25**

**К 25 Карнеги, Дейл**

Оилада бахтга эришиш йўллари [Матн] / Д. Карнеги. – Тошкент: Yangi kitob, 2020. – 240 б.

ISBN 978-9943-6328-7-5

**УУК:** 173.7:159.9

**КБК:** 88.5

*Бу китобда оилада учрайдиган кўплаб масалалар ўз аксини топган. Никоҳ, эр-хотин муносабатлари, ўзаро ҳурмат-эътибор, фарзандлар тарбияси борасидаги қайдлар сизга манзур булади. Айниқса, машҳур шахслар ва оддий инсонлар ҳаётига доир воқеалар қалбингиздан жой олади.*

*Китобда меҳр-муҳаббат, вафо-садоқат, олижаноблик билан бирга хиёнат, разолат, жиноят дунёсидаги кирдикорлар очиб берилади. Муаллиф барча кечмишларни, турли қарашлар, нуқтаи назар ва тамойилларни оила билан боғлаб, теран мушоҳада юритади. Инсоннинг нақадар метин, кучли иродада эгаси эканлигини эътироф этиб, баъзи ҳолларда эса, аксинча, ожиз, нотавон мавжудотга айланнишини мисоллар билан тушунтиради.*

*Китоб көнг китобхонлар оммасига мулжалланган.*

**Таржимон:  
Фатҳулла Намозов**

**Тақризчилар:-**

**Тоҳир Малик, Ўзбекистон халқ ёзувчиси,**

**Норқул Бекмирзаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,**

**Халқаро антик дунё иммий академияси академиги ва совриндори,**

**Абдуқаюм Йўлдошев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

© Д.Карнеги «Оилада бахтга эришиш йўллари». Таржимон: Ф.Намозов.

© «Yangi kitob» МЧЖ, 2020.

ISBN 978-9943-6328-7-5

## МУНДАРИЖА

Чордоқдан топилган китоб .....	5
Дейл Карнеги. Уйқусиз тунлар ёхуд отамнинг ўйтлари .....	11

### I БҮЛИМ ОИЛАВИЙ ҲАЁТНИ ЯНАДА БАХТЛИ ҚИЛИШИ МУМКИН БҮЛГАН АСОСИЙ ТАВСИЯЛАР

Сиз умр йулдошингизни қай даражада биласиз? .....	13
Таги пуч мұхаббат ёхуд барбод булған оила ҳақида .....	20
Бахт-саодат кимларга боғлиқ? .....	31
Сиз никоҳда эркинликни ҳис этасизми? .....	39
Умр йүлдошингизни сизни севишга мажбур этишнинг сири .....	47
Бир-бирига мос келмаган никоҳ .....	50
Оилада шунчалик күп масалалар борки.....	59
Хотиннинг ўзига бино қўйиши оилавий бахт-саодат учун хавфлидир .....	60
Сен менинг қонимни қайнатиш учун журттага шундай қиляпсан .....	70
Муҳим ишни янада яхшироқ бажариш керак.....	75
Оилавий муаммоларнинг илдизи қаерда? .....	84
Муваффақиятингизга йулдош, ғамингизга ҳамдам хотиндан ҳам мұтабарроқ хилқат борми? .....	85
Хотирага қалқиб чиқувчи «улим нурлари» .....	86
Келин-куёвларга насиҳатлар .....	93
Ягона ҳақиқат, эзгулик, бахт-саодатнинг сабабчиси ва гарови .....	110
Очиш мумкин бүлмаган идиш қопқоғи.....	111
Ўз ҳаётига зомин булған, аммо шоирлар мадҳ этган хоним .....	113
Сарсон-саргардонликдаги азоб-уқубатлар .....	132
«Мен қачонлардир ҳайкалга турмушга чиқкан эдим» .....	144
Дунёда яхши кўриш мумкин бўлған битта одам бор.....	146
Қани эди, ўзингга ҳам ишонмай, ҳар қандай махфий гапни мумкин қадар чукурроқ яширсанг.....	156

Ишда йүқолиб кетиб, оиласый мажбуриятларини бутунлай унуган эр .....	157
---	-----

**II БҮЛИМ**  
**ИШҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА АСЛО**  
**НОДОН БУЛМАНГ**

Муваффакиятсизликнинг сири нимада? .....	169
Эркак ва аёл имкониятлари .....	171

**III БҮЛИМ**  
**СИЗ ВА БОЛАНГИЗ**

Яхши отни эшакка айлантируманг! .....	181
Болангизни ўзини англашига ёрдам беринг, бунга мажбурсиз .....	183
Қайсар болаларни ўзгартириш мумкинми? .....	186
Құпопларча истаклар, ужарлик ва ўзбошимчалик асосидаги талаблар.....	191
Хәётнинг ҳикмати йүйнларда жам .....	193
Хаддан зиёд ҳиссиётта берилиб кетишдан құрқинг .....	199

**IV БҮЛИМ**  
**МЕНИ ЯХШИ КУРИШМАЙДИ, ДЕБ ЎЙЛАМАНГ**

«Нега мени яхши куришмайди?» деб хаёл сурғандан кура хайрли иш билан машгул булинг.....	208
Агар сизни яхши куришмаса нима қилиш керак? .....	213
Қаҳр-ғазабингизни жиловланг, әсингизда бұлсін: әңг муҳими, бардош беришдир .....	223
Күнглингизни узинг-у, кетинг .....	232
«Бахт» деганда нимани назарда тутамиз? .....	235

## ЧОРДОҚДАН ТОПИЛГАН КИТОБ

Дейл Карнеги олтмиш етти йил умр курган. Унинг оддий оиласда туғилиб, азоб-уқубатда ўсгани, ўқибизлангани, кейинчалик муваффакият қозониб, бадавлат ва машҳурлиқда умр кечиргани маълум. Буни Карнеги китобларининг катта ададларда нашр этилганидан ҳам билса булади. Шунга қарамай, мазкур асар ўз вақтида чоп этилмагани савол түғдиради: наҳотки Дейл Карнегидек муаллифга чанқоқ ноширлар ва китобхонлар мазкур асардан унинг ўлиимидан кейин боҳабар булишган? Зотан, Карнеги тизими жамиятда кенг қулоч ёйган, оммалашган, Карнеги номидаги нотиқлик санъати ва инсоний муносабатлар институтига асос солинган эди. Унинг китобларини миллионлаб ўқувчилар харид қилишарди.

Мазкур асарнинг қулёзмаси тасодифан эски ёзув машинкаси ғилофидан топилган. Бу ғилоф эса Канада қорли чўққиларидағи Боу кули атрофининг Нам-Ти-Taxe масканида истиқомат қилувчи овчи Жеймс Симсон уйининг чордогида ётганди. Бир замонлар Дейл Карнеги машҳур кишиларнинг таржимаи ҳолини ўрганиш ҳамда ўз китоблари устида ишлаш учун хилват жой излаганида, айнан шу уйни маъқул кўрганди. Мазкур масканда унинг «Безовталиқдан халос булиш ва янги ҳаёт бошлаш сирлари» китобининг айрим боблари ҳам қоғозга тушган.

Дастлаб ушбу қулёзмага бир қадар шубҳа билан ёндашилди. Бунга қулёzmанинг аниқ мақсадга қаратилмаганлиги, мавзу, жанр, услубни изоҳлаш билан боғлиқ ёндашув сабаб бўлганди. Қолаверса, муаллиф янги мукаммал асар яратиш учун маълумот йиғишга киришган, адабий андазалар ҳамда ўз муддаоларидан четга чиқиб ёндашганди. Карнеги оиласий муносабатларга доир етарли мисоллар топганидан сўнг қулёзма устида иш бошлаган.

Қулёзма анчагина «хом» эди. У бир тизимга солинмаган тартибсиз қораламани эслатар, қайдлар, конспектлар, газета ва бошқа манбалардан олинган қирқимлар, таржимаи ҳоллардан парчалар ва афоризмларни ёдга соларди. Тартибсиз сочиб ташланган ушбу маълумотларни бир текис, енгил узлаштириладиган матн тизимиға ўтказиш зарур эди.

«Инсоннинг ҳис-туйғулари сўзларидан кўра ибрат на-муналаридан кўпроқ таъсиранади ёки мулоим ҳолатга киради», – дея қайд этганди француз файласуфи ва шоир, урта асрнинг ёрқин намояндадаридан бири Пьер Абеляр.

Дейл Карнеги китоблари таъсиранлиги ва кенг кулами билан ажралиб туради. Ҳатто китоб ўқимайдиган инсонлар ҳам Карнеги тамойилларини амалиётда қуллайдиган кишилар билан учрашиб қолишса, ўзига хос «тизим»нинг таъсириини сезадилар. Шунчаки сезиб қолмай, унинг таъсири остига тушиб қолишади.

Карнеги тақдири мазкур «тизим»нинг мустаҳкамлигини яққол намоён этувчи ажойиб ибрат намунасиdir. У Миссури штатидаги Темир йўлдан ун олти чақирим олисда жойлашган фермада таваллуд топган. Ун икки ёшида биринчи марта трамвайга кўзи тушган. Орадан йигирма саккиз йил утиб, яъни қирқ ёшга тулганида эса Гонконгдан тортиб Хаммерфестгача дунёning энг олис бурчаклари ҳам унга жуда яхши таниш эди.

Ёш Карнегининг билим олиши анча машақкатли кечди. У ҳар куни коллежга отда қатнар, бу илмгоҳ фермадаги уйларидан беш чақирим нарида жойлашганди.

Дейл тенгдош талабаларнинг айримлари алоҳида обрў ҳамда шухрат қозонишаётганини таҳлил қиласарди. Улар футболчилар, бейсбол уйинчилари, шу билан бирга нотиқлик санъати бўйича танлов ва баҳс-мунозараларда ғолибликни қўлга киритган ёшлар эдилар.

Спортда ўзини намоён эта олмаслигини яхши англаган Дейл нотиқлик санъатида муваффақият қозонишни

мақсад қилди. У сүзга чиқиш учун бир неча ой мобайнида пухта тайёргарлик курди. Ҳатто, сигир соғаётганида ҳам маъруза матнини машқ қилди. Оғилда пичан ғарамига қараганча, кучли эҳтирос ва қўл ҳаракатлари ёрдамида нутқ сұзлаганида эса кабутарлар галасини чучитиб юборарди. Лекин тиришқоқлик ва қунт билан тайёргарлик курганига қарамай, ёш Дейл кетма-кет муваффақиятсизликларга дучор бўлаверди. Үн саккиз ёшида қалби шикаста ва мағрур эди унинг. Булажак даҳо шу даражада умидсизликка тушдик, ҳатто уз жонига қасд қилмоқчи булди. Кутимаганда у коллежда утказилган нотиқлик санъати танловида ғалаба қозонди. Тез орада тилга тушди. Карнеги ҳузурига бошқа талабалар ёрдам сўраб келиб, улар ҳам муваффақиятга эриша бошладилар.

Коллежни тугатган Дейл Карнеги фермерлар учун сиртқи үқиши курсларини ташкил этди. Аммо муваффақият яна ундан ўзини олиб қочди. Шундан сўнг Карнеги бошқа иш топишига қарор қилди. У Жанубий Омакага йўл олиб, «Армонд энд компани» фирмасига ишга жойлашди. Дейлнинг вазифаси лалми ерлар ҳамда чорвадор музофотлар, шу билан бирга Жанубий Дакотанинг ҳиндулар истиқомат қиладиган ғарбий ҳудудларида чучқа гушти ва совун сотишдан иборат эди.

У юк вагонлари, араваларда ёки пиёда юриб ишлади. Алмисоқдан қолган арzon меҳмонхоналарда тунашга мажбур булди. Бундай даргоҳдаги хоналар бир-биридан сурп чойшаблар билан ажратиб қўйиларди. Ёш Дейл коммивояжерлар (хусусий корхона молларини шаҳармашаҳар намойиш қилиб, буюртма тўпловчи вакиллар) учун раҳбарлик тизимини ўрганди, ярим ёввойи асов отларда чопди, маҳаллий ҳинду қизларига уйланган кишилар билан қарта ўйнади. Шу билан бирга у мижозлардан қарзларни ундириб олиш санъатини пухта ўрганди.

Агар олис ҳудуддаги дўкон хўжайини узи буюртма берган чучқа ёки сон гушти учун нақд пул тўлай олмаса,

Дейл унинг токчасидан бир неча жуфт пойафзални олар, уларни темир йўлчиларга сотар, пулини «Армонд энд компани»га жунатарди. Карнеги тер тўкиб ишлаган жойлар савдо-сотик учун маъқул ҳудуд булмаса-да, улкан натижани қўлга киритиб, бир йил ичида округда биринчи уринга олиб чиқди.

«Армонд энд компани» Дейлни юқори вазифага кутармоқчи бўлди. Карнегининг «иложи йўқ натижага эришгани» алоҳида таъкидланди. Аммо Дейл бундай марҳаматни рад этди ва ишдан бушади. У Нью-Йоркка жунади, Америка театр санъати академиясига ўқишга кирди ва «Циркчи Полли» спектаклидаги доктор Хартли роли билан мамлакат буйлаб кезиб юрди.

Шундан сўнг Дейл яна коммивояжерликка ишга ўтди, У «Паккард моторкар компани» фирмасининг юқ машиналарини сотиш билан машғул бўлди. Аммо бу иш ҳам Карнегининг меъдасига тегди. Уша кунлар тўғрисида у шундай деган:

«Мен мутолаа ва ёзиш учун буш вақтим булишини интизорлик билан кутар, китоб ёзишни истардим».

«Паккард моторкар компани» фирмасидан ишдан бушаган Карнеги үзини адабиётга бағишлишга қарор қилди ва кечки мактабларда дарс бера бошлади.

Аммо нимадан сабоқ бериш керак? Ўзининг ўтмишига кўз ташлаб, коллеждаги ҳаётини таҳлил қилас экан, Карнеги шундай хулосага келди: ҳар қандай сабоқдан кура унинг нотиқлик санъатига доир тайёргарлиги үзига нисбатан ишонч, дадиллик ҳамда оғир, вазминликни таъминлаган. Айнан нотиқлик санъати ишбилармон кишилар дунёси вакиллари билан янада кўпроқ мулоқот қилишга ўргатган.

Карнеги ХАМЛ маъмуриятига мурожаат қиласкан, Нью-Йорқдаги мактабларда тадбиркорларга нотиқлик санъатидан сабоқ беражагини айтиб, илтимос қила бошлади.

Ишбилармон одамлардан нотиқлар тайёрлаш? Жуда қизиқ. ХАМЛ раҳбарлари бундай хатти-ҳаракат нима

билан якун топишини билишарди. Улар шу каби курсларни ташкил этишган, аммо барча саъй-ҳаракатлари муваффақиятсиз якун топганди. Шу боис Карнегига ойига икки долларлик гонорар беришдан бош тортишди. Аммо борди-ю, у даромад қиладиган бұлса, муайян фоиз олишига келишилди. Карнеги дастлабки йиғимлардан кифояланиб ишлайдиган бұлды.

Орадан уч йил үтгач, унга одатдаги икки доллар үрнига ҳар бир кечки сабоқ учун үттіз доллардан тұлай бошлашди.

Дейл номдор сайёр маърузачига айланди.

Карнеги таъқидлашича, у сұзға чиқып санъатини үргатиш билан умргузаронлик қилмаган. Булар Дейлнинг құшимча машғулоти эди, холос.

Гарвард университети профессори Уильям Жеймс айтишича, «Үртача инсон очилмаган имкониятларининг фақат үртача үн фоизини ривожлантиришга қодир». Карнеги үзидаги имкониятларни очишга эришган эди. Миссурі штатидаги қачонлардир соатига беш цент ҳақ әвазига қулупнай терган ва чакамуғ үрган йигитча бутун дунёни забт этувчи тизимни яратғанди.

«Дунёда мұжизалар ниҳоятда күп. Инсон эса мұжизалар мұжизасидир!» – деган эди Софокл. Бу әътироға құшимча қилиб айтиш мүмкінки, атрофдаги кишилар билан үзининг муносабатини такомиллаштиришга интиладиган одам ҳақиқий мұжизанинг айнан үзидир!

Карнегининг оиласвий тамойиллари үзига хос. У, эңг аввало, әр-хотиннинг бир-бирига садоқатлы, вафодор булишлари кераклигини үқтиради. Бу борада тарихдан талай мисоллар көлтиради.

Дейл Карнегини инсон рухияти соҳасида биринчи кашфиётчилардан дейиш қийин, аммо унинг китоблари ҳаёттій масалаларга аниқ жавоб беришini тан олиш керак. Карнеги тамойиллари жуда оддий: улар муайян вазиятларда ишингиз юришиши учун қай тарзда ҳаракат қилиш кераклигини курсатиб беради.

Карнеги машхур сиёсатчилар, ёзувчилар, ишбилиар-монларга таянади. У үз тамойилларини «ҳаво»дан олмай, балки муайян вазиятлар, таржимаи ҳоллардан келиб чиқсан. Карнеги одамларни үз-үзи ва атрофдагилар билан уйғунликда яшашга ўргатди. У инсонлар уртасидаги муносабатлар таҳлили асносида янги тамойилларни ҳавола этди, бу эса катта ёшдаги ўқувчилар томонидан қунт билан үзлаштирилиб, амалиётта татбиқ қилинди.

Мазкур китоб оила қурғанлар, никоҳ остонасидаги инсонлар ва ёш йигит-қизлар учун бирдек таъсир кучига эга. Уни оиласавий китоб дейиш ҳам мумкин. Китобда эр-хотинлик, қавм-қариндошлик муносабатлари, үзаро муюмала борасида үгит бериш билан бирга, олижаноб фазилатлар, юксак түйгулар ҳақида ҳикоя қилинади. Бу эса сиз, азиз китобхонларнинг ҳаётингизда асқотса ажаб әмас.

*Фатхулла Намозов,  
Халқаро антик дунё илмий академияси  
доктори, олий тоифали ўқитувчи*

## УЙҚУСИЗ ТҮНЛАР ЁХУД ОТАМНИНГ ҮГИТЛАРИ

Оилада омадга эришишнинг чинакам самимий хоҳишистаги ўзингиздаги пинхоний ишқ-муҳаббат, нағислик, ўзаро тушуниш ва сабр-тоқат захирасини очиб бериши мумкин.

Одамлар турли ҳолатда китоб ўқишидан: кутубхонада, юмшоқ оромкурсида, транспортда, ишда ва ҳоказо. Мутолаа қилиш ва унутиб юбориш ҳам, дўстлар билан бирга муҳокама қилиш ҳам мумкин.

Мен мутолаа турларидан қуидагиларни афзал биламан:

1. Муҳокама асосида ўқиш.
2. «Құлға қалам олиб» ўқиш (ҳошияларга белгилар қуиб, мазмунини қисқача ёзиш).

Мазкур китоб ана шу икки хилдаги ўқишининг «меваси»дир. Бу анъанавий «мева» кифоя. Уз даврида римлик адаб Авл Геллий тун бўйи мутолаа билан машғул бўлар, қўлига китоб тушмаган одамлар учун кўчирмалар қиласи, ёзишмалари орқали у ёки бу китобдан хабардор бўлишларини истарди. Шу тариқа «Аттик тунлари» номли китоб – уйқусиз тунлар ҳамда «қўлға қалам тутиб» ўқишининг «меваси» пайдо бўлди.

Китобни худди детектив асардек ўқишига уринманг (агар шунчаки вақтни ўтказиш учун булса, мутолаа қилмай қўя қолинг). Оилавий ҳаётингизни янада баҳтиёр қилиш учун бир марта ўқиб чиққан бўлсангиз, биринчи бўлимни яна қайта мутолаа қилинг. Ана шунда ўқиганларингиз кутилган натижаларга олиб келади.

Отам ҳамиша, «такрорлаш – ўқишининг онасидир», дерди. Мен дарҳол лотин феълларини кўз олдимга келтирас ва минғирлардим: «АЗоб-уқубатнинг ўзгинаси». Аммо хато ўйлаган эканман, буни тан оламан.

Холамнинг ҳар якшанба куни оилавий альбомдаги суратларни кўздан кечирадиган одати бор эди. Агар шундай қилса, фарзандлари ва яқин қариндошларининг чехраси хотирасида яхши сақланишини у биларди. Суратларга қараб, холам кўпдан-кўп одамларни эсларди. У бошқаларни түғилган куни билан табриклишни ҳеч қачон ёдидан чиқармасди. Биз холамнинг ана шу самимий ғамхурлиги учун чин дилдан миннатдормиз: у бизни, талаб ва муаммоларимизни сира унутмаган. Бу борада холамга оилавий альбом ёрдам берган.

Эсдан чиқариш тизими ҳали үрганиб чиқилганий ўюқ, аммо унутиб юбориш қанчалик осон эканлигини ҳар бир киши билади.

Мен омма олдида сўзлаш санъатига оид китоб ёзиш учун икки йил вақт сарфлаганман. Ана шунда тушундимки, вақт-вақти билан ортга қайтиб, китобимда нималар ёзганимни эслашга тұғри келар экан. Биз шунчалик тез унутамизки, бунга фақат ҳайрон қолиш мумкин.

Ҳар қандай фойдали китобни ўқиб, ўз ҳаётида қуллай билган киши самарали натижага эришади. Бунга китобдан сабоқ олиш ҳам киради. Шундай экан, оилавий китобдан баҳра олинг, азиз дұстим!

### ОИЛАВИЙ ҲАЁТНИ ЯНАДА БАХТЛИ ҚИЛИШИ МУМКИН БҮЛГАН АСОСИЙ ТАВСИЯЛАР

**Сиз умр йүлдошингизни қай даражада биласиз?**

Сиз эрингизнинг (ёки хотинингизнинг) феълини яхши биласизми? «Бу савол жуда кулгили-ку! – деб жавоб бершиңгиз мумкин. – Ахир биз бир неча йилдан бүён бирга яшаймиз. Уни мендан бошқа ким ҳам яхшироқ биларди?»

Яқин инсонлар ўртасида ҳар қандай масалада келишув ўрнига қандай муаммолар юзага келади? Эҳтимол, муаммоларингиз илдизи никоҳдан олдинги кунларга бориб тақалар?

Айримлар бутун умр бирга яшашса-да, бир-бирларини чинакамига тушунмасликлари мумкин. Улар қоронғи залда ёнма-ён үтириб, турли фильмларни курган кишиларни эслатади. Ҳар қайси ўз-ўзи билан овора!

Мен бир-бирингиз билан илк учрашган кунларни хотирлашни тавсия этаман. Ахир сизларнинг никоҳингиз танишган даврингизга тұғри келганды. У бир-бирингизни танлаш оқибатида бунёд этилган, шундай эмасми?

Буни мисоллар билан тушунтираман.

1660 йил 3 июнь куни Луи Гаро қирол Людовик XIV номи остида испан қироли Филипп IV нинг қизи Мария Тереза билан Фонтараби шаҳридаги черковда никоҳдан утди. Ўшанды қирол йигирма иккى ёшда булиб, рафиқаси ундан бир неча ой кичик эди. Кейинги куни қиролича, испан қироли ва малика келин Конференция оролига жұнаб кетишиди.

Мазкур воқеа муносабати билан кардинал Мазарини ва дон Луи Гаро учрашувига мүлжалланған жой ғоят ҳашаматли безатилғанди. Қиролича биринчи булиб етиб



келди. У билан бирга Анжуй герцоги, Флекс хоним ва Ноайлль жаноби олиялари бор эди. Чунки саройдаги одоб қоидаларига кура, ёш қиролнинг белгилangan вақтдан аввал келин билан куришиши асло мумкин эмасди.

Ака ва сингилнинг кўришмоғи жуда зарур, бу уларнинг нуфузига мувофиқ булиши керак эди. Анна испан қироли билан упишиб

куришишни истади, аммо қирол бошини шунчалик орқага олдики, Анна қанча ҳаракат қилмасин, ундан буса ололмади. Ваҳоланки, уларнинг кўришмаганларига қирқ йилдан ошганди. Дон Луи узининг ҳукмдори – қиролга, Флекс хоним эса қироличага курси келтиришди.

Иккала курси икки қироллик чегарасини белгиловчи чизик ўртасига қўйилди. Келин ўзининг отаси яқинига утирди.

Анна акасидан бу нотаниш кишига ҳурмат билдириш учун одоб қоидаларидан озгина четга чиқишга ижозат суради. Қирол, розиман, дегандай бош ирғади. Иккала вазир ҳам эшик ортида турган номаълум кишига эшикни очиш учун йўл олишди.

Эшиқдан бир неча қадам нарида дид билан кийинган чиройли ёш йигит турарди. Унинг бўйи иккала вазирдан ҳам баланд булиб, павильондаги кишиларга қизиқиш билан боқарди. Улар ҳам унга завқ билан қараашди, айниқса, отаси ёш қиролича Аннага эгилиб, қулоғига ярим овозда: «Куёв чиройли экан», – деганида, у қизариб кетди.



— Давлатпаноҳ, — деди она-қиролича, — изн берсангиз, жиянимдан бу нотаниш йигит тұғрисида фикрини сұрасам?

— Ҳали вақти әмас, — жавоб берди қирол.

— Ұша вақт қачон келади ахир? — сұради Анна.

— У павильондан чиққанидан кейин.

Шу билан бирга Аншүй герцоги ёш қиролича томон әнгәшиб, қулоғига пичирлади: «Күриб турғанингиз мана шу әшик тұғрисида қандай фикрдасиз?» «Менинг фикримми? — жавоб берди у қулимсираб. — У жуда чиройли, күриниши зебо».

Бу вақтда *Людовик* четланиб, келиннинг жұнаб кетишими күрмөқчи бұлды.

— Хуш, сиз қаноатландынгизми, жаноби олийлари? — сұради ундан Тюрень.

— Бұлмасам-чи! — жавоб берди қирол. — Аввалига келиннинг бұлмағур соч турмаги ва құйлаги мени ҳайрон қолдирди. Диққат билан қарасам, үзига жуда ярашган экан. Үйлашимча, менинг уни яхши куришим енгил кечади.

*Мария-Тереза* үрта бүйли бұлса-да, қадди-қомати, нигохлари бағоят мафтуңкор, ҳароратлы әди. Лаблари хиёл қалин, қип-қызыл, юзи чүзинчоқ, соchlари оқ-малла, кумушсимон тусда, чехрасининг ғоят мұжизавий тусига қоришиб кетганди.

Орадан бироз вақт үтгач, келин қайиқда үтиради. Қирол қирғоқ буйидаги отға сақраб минди-ю, қулида шляпа билан рафиқаси үтирган қайиқни кузатиб бора бошлади. Агар ботқоқлик халақит бермаганида, у қирғоқ бүйлаб Фонтарабига қадар юрган бұларди.

Фонтарабига келгач, синьора Молина күёв ҳақида сұраганида: «Менга жуда ёқди, — деб жавоб берди келин. — У ниҳоятда чиройли... Хатти-ҳаракатлари ғоят даражада хушмуомала эканлигини намоён этиб турибди».

Учинчи куни Байон руҳонийсі тантанали никоҳ маросимини бошлади. Ұша оқшом ёш малика қиролича хо-

ласи билан бирга ўзининг шахсий қироллик таркибиға келиб қўшилди. Анна она-қиролича мақомига эга бўлди.

Людовик томонидан айтилган сўзларга эътибор беринг: «Менинг ўйлашимча, уни яхши куришим енгил кечади». Бу одам никоҳ қуриш унинг тұғридан-тұгри мажбуриятига дахлдорлигини биларди. Аммо у баридан бир муҳаббат тұғрисида ўйлаган, севилишдан умид қилган.

Сиз никоҳ ўқилаётганида нималарни ўйлагансиз? Ўзингизга шундай савол беринг ва чин юрақдан самимий жавоб қайтаришга ҳаракат қилинг. Сизнинг муаммоларнинг амалга ошириб бўлмас орзу-умидларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Никоҳ ўқилаётганида, булажак умр йўлдошингиз нималар ҳақида ўйлаган экан? Бу кундалик ҳаётда унинг ниятларини амалга оширмаётганингиз билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Ўз-ўзидан аёнки, сизнинг хаёлингизга келгуси ҳаётингиз тұғрисидаги ўй-фиркалар келган, шу ҳақда ўйлаган булишингиз керак. Одамнинг кундалик хулқатвори унинг ақл-идроқи билан белгиланади. Келажакни эса фақат режалаштириш мумкин. Масалан, у эри (хотини) қандай инсон булиши, оиласда нечта фарзанд қуриши мумкинлигини хаёл қиласи. Ҳаёт бъязида сен ўйлаганингдан бошқача кечади. У орзу-умидларга тузатиш киритиб бораверади, ҳақиқий воқелик билан орзулар уртасидаги номувофиқлик муаммоларни келтириб чиқаради.

**Ақл-идрокни фақат бизнес билан машғул бўлганда ишлатиш керак эмас. Ундан нафақат даромад ва кирим-чиқимларни ҳисоблаганда, балки умр йўлдоши танлашда ҳам фойдаланинг.**

Унутманг, ақл билан иш қуриш фақат бизнесда ёрдам бермайди! «Никоҳга кирап эканмиз, биз ўзаро

муҳаббатни үйлаганмиз», – деб жавоб беришингиз мумкин. Аммо «муҳаббат» сўзини одамлар ҳар хил тушунишади.


Мен ишонаманки, сиз аввал бошдан ақл билан үйлаб никоҳ қургансиз. Унинг асоси үзаро меҳр-муҳаббатдан иборат бўлган. Шундай эмасми?

Инглиз файласуфи, мантиқшунос ҳамда математик *Бертран Рассел* 1925 йилда «Мен нимага ишонаман?» номли мақоласида шундай деб таъкидлаган эди:

«Тугал дунёда ҳар бир тирик жон бошқа объект учун меҳр-муҳаббат, қувонч ва шодликларга лиммо-лим, ўзгаларга қувонч истовчи ва зеҳни ўтқир булиб куринади. Бундан, биз барча мавжудотга нисбатан шундай ҳистийғуларни бошдан кечиришга ҳаракат қилмоғимиз керак экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Купчилик хушвақтлик улашмайди, чунки улар жирканчдирлар. Агар биз ўз табииатимизга зид равишда зўравонларча уларда гўзалликни курмоқчи бўлсак, бу табиий гўзаллик ҳақидаги сезгилаrimизни шунчаки тўмтоқлаштириб қўяди.

Инсонлардан ташқари яна пашшалар, сувараклар ҳамда битлар бор. Биз худди Кекса Денгизчи (Рассел инглиз шоири Самюэль Колрижнинг қаҳрамонини назарда тутган) каби чиниқсан булишимиз керак.

Никоҳ занжирлари билан сизга боғланган одам «умумий манзара»да ажralиб тургани маъқул. У сизда меҳр-муҳаббат туйғуларини үйғотади ва бу тасодиф эмас! Истак-хоҳишлиарингиз ўртасида ихтилоф юзага келдими? Унда ақл-идрок қаерда қолади?»



Яна Расселга мурожаат қиласиз. У шундай дейди:

«Ақл-идрокка таянган ахлоқ-одоб аслида клуб қонун-қоидаларига үхшаб кетади. Унда кишиларнинг истак-хөзишлари бир-бирини рад этса-да, ҳаётда бирга булишга имкон беради. Лекин шу билан бошқа, муваффақият қозонишга имкон берувчи асосли усул ҳам мавжуд. Инсон мижози ва хөзиш-иродаси ихтилофлар камроқ булишини, бир кишининг истаги имкон қадар бошқаларнинг хөзишига мос келишини хоҳлади. Мұхаббатнинг афзаллиги шундаки, у кишиларга ихтилоф әмас, балки уйғунлик баҳш этади.

Бир-бирини яхши күрадиган одамлар биргалик-да муваффақиятта эришадилар, талафот, омадсизликка ҳам баб-баробар чидайдилар. Аммо одамлар бир-бирларини кура олмай, нафратланишса, улардан бирининг ютуғи иккинчисининг мағлубиятидек қуринади».

Келишмовчиликларни бартараф этиш учун нима қилиш керак? Бир-бирини тушунишни үрганиш, бунинг учун эса шеригини яхши билиш, у қандай бұлса, аслича қабул қилиш лозим.

Бу осон әмас, албатта. Эҳтимол, сиз ёшликтаги идеал умр йүлдоши түғрисидаги орзуларингиз билан ҳозир ёнингизда турған мавжуд инсон үртасидаги тусиқни бартараф этишга анча вақт сарфларсиз. Бу тусиқни бартараф этинг. Имконият борлығи шуки, ҳақиқий ҳолат ҳар қандай орзу-ниятдан яхшироқдир. Ахир сиз билан биз ҳақиқий дүнёда яшаемиз, осмондаги саройда ёки кумдан қурилған қасрда әмас.

«Америкэн мәгәзин» журнали 1933 йилнинг май сонида тест саволларини чоп этганди. Бу саволларга жавоб бериш қизиқарлы булиб қолмай, анча фойдалы ҳамдир. «Ҳа» жавобини бешта нұқта, «йўқ» жавобини эса «нол» билан белгилаш керак.

1. Умр йүлдошингизни сизнинг қайси жиҳатингиз күпроқ жаҳлини чиқариши аёнми?

2. Уни сизга нисбатан нима күпроқ қизиқтиришини биласизми?
3. Эрингиз (хотинингиз) узининг ишқий сирларини сиз билан баҳам курадими?
4. Унинг севимли таомини биласизми?
5. Эрингиз (хотинингиз)нинг вазни қанча эканлиги сизга маълумми?
6. У қандай йўл билан безовталикни бартараф этишини биласизми?
7. Умр йўлдошингизни нима безовталикка дучор қилиши сизга аёнми?
8. Турмуш ўртоғингизнинг энг заиф жиҳатлари ҳақида биласизми?
9. Унинг ижтимоий фаолиятидан воқифмисиз?
10. Умр йўлдошингизни күпроқ нима хурсанд қиласди, шу ҳақда биласизми?

Агар 40-45 та нуқта белгилаган бўлсангиз, табриклайман. Сиз никоҳингиздаги инсонни яхши биласиз, бу борада хатога йўл қўймагансиз. Узоқ давом этадиган оилавий баҳт-саодатингиз таъминланган.

30-35 нуқта: сиз турмуш ўртоғингизни етарли даражада биласиз. Аммо унинг шахсиятини ҳар томонлама диққат билан урганишингизга тұғри келади. Масалан, ижтимоий фаолияти ёки, аксинча, овқатга шинавандалигини.

Агар 20-25 нуқта белгилаган бўлсангиз, умр йўлдошингизни етарли даражада билмайсиз.

20-25 дан кам нуқта белгиланган бўлса, никоҳингиздаги кишига диққат билан муносабатда булинг, ёндашувнинг янги усусларини ахтаринг! Чунки сиз нотаниш инсон билан яшаётган булиб чиқасиз, бу эса фақат қиролларга мумкин, тағин доимий равишда эмас! Сиз узининг бўлажак хотинига эшик тирқишидан қараган Людовик XIV эмассиз, албатта!

Бир-бирингизни севинг ва биргалиқда муваффақият қозонинг!

## Таги пуч муҳаббат ёхуд барбод бўлган оила ҳақида

Айтинг-чи, ким ўсмирлик йилларида бошқача бўлмаган, биринчи муҳаббатнинг аччиқ кўз ёшлари ҳамда алаҳисирашлари домига тушмаган? Бу дамларни ким бутунлай унугтган, деб ўйлайсиз? Уз орзусидаги эр хотинликни энтикиб кутмаган киши бормикан?

Камдан-кам одамларгина бу ҳис-туйғуларни тан олишмайди. Шу боис қўйида баён этиладиган воқеалар ва майший кузатишлар оилавий баҳтга ташна кишиларнинг ҳаммаси учун сабоқ була олади. Мен уни оила баҳтини барпо этган ва умрининг охиригача сақлашга уринган барча кишиларга тавсия этаман.

**Оилавий баҳтни излаш, уни барпо этиш ва ундан маҳрум бўлишдан иборат мазкур воқеа йигирма йилдан зиёд давом этиб, бош қаҳрамоннинг ҳалокати билан поёнига етди. Бу инсон Чарльз Диккенс эди.**

Куплаб биографлар гувоҳлик беришича, Чарльз Диккенснинг муваффақиятга эришиши оилавий баҳт билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Унга шинам уй юмушларини уддалайдиган, дўстларининг вақтини чоғ қиласидиган ажойиб умр йулдоши керак эди. Яна муҳаббатга лиммо-лим эҳтиросини қондирувчи, болалар туғиб берадиган (уша пайтда ҳеч ким уларнинг фарзанди ўн битта булади, деб хаёлига келтирмаган) аёл лозим эди.

Чарльз Диккенс ҳаётида худди шундай жувон пайдо булди. У булажак турмуш ўртоғи Кэтрин Хогарт билан учрашганида йигирма уч ёшда эди. Кэтрин эса йигирма



ёшга тұлғанди. Орадан бир йил үтгач, 1836 йилнинг апрель ойида уларнинг түйи булиб үтди. Келиннинг гузаллиги борасыда қандайдыр чигаллик, нимадир тұла-тұқис очилмагандай, Мона Лизанинг мужмал жилмайшидай ҳолат мавжуд зди. Аммо бу тасаввур алдамчи ҳам булиши мүмкін, ахир қанчадан-қанча аёл Мона Лиза каби сирли жилмайиш ортида үзларининг ички ланжлигини ниқоблаб юришади.



Диккенс үйланған пайтида муваффакиятли журналист ва таниқлы адид сифатида донг таратған зди. У күп ишлаш баробарыда жуда катта пул ҳам топарди. Буларнинг барчаси ёшларға баҳт-икболдан ваяда берарди. Бундан ортиғини Диккенс үшанды орзу ҳам қилмаган.

Кэтрин эрини сидқидилдан севар, уни эъзозларди. Диккенс хотинига назокатли ҳис-туйғулар билан ёндашарди. Түй арағасида у Кэтринга шундай деб ёзган: «Сен билан иккимизнинг олдимизда жуда күп йиллар турибди. Мен нимаики қилсам, нимагаки интилсам, ҳаммаси сен учун бұлади. Ҳаммаси хушбаҳтлигинг ва саодатинг учун. Сен бунга арзийсан!»

Серқирра иқтидори ва қүнт билан тер тұкиб меңнат қилғани туфайли Чарльз жуда катта обру үйқан, унга катта пул тұланарди. Оилавий ҳәётининг биринчи йилида «Пиквик клуби ёзишмалари» ҳамда «Оливер Твист»нинг дастлабки нашрлари улкан муваффакият қозонди. Шу билан бирға ёш адидни даҳшатли алғов-далғовлик буттнлай титиб юборғандай бұлды – ахир у бир лаҳзада тасодиған кумирға айланған зди-да!

Үйланганидан сүнг зерикиш, аввалғи ҳәётнинг залвори, нобоплиги ғойиб бұлды. Мехр-муҳабbat ва шоншараф даври ҳамда мусаффо, келажакка мислсиз ор-

зу-умидлар билан тұлиб-тошған қаноатбахш мағрурлик даври бошланған эди. 1837 йилнинг январида Кэтрин тұнғич фарзанд – Чарлини дүнёга келтирди.

Чарльз Диккенснинг баҳтли ва омадли бошланган оиласий ҳаёти кейинчалик ҳам моддий етишмовчилик, оғир турмуш машмашалари-ю, ғалвалардан бутунлай холи бўлди.

Бирин-кетин үгил-қизлар туғилиб, Кэтрин ва Чарльз уларга назокат ва нафосат ила меҳр курсатишарди. Болалар ташвиши эр-хотиннинг сайр-саёҳатига ҳамда оила бошлигининг адабиёт соҳасидаги шон-шуҳратидан баҳраманд бўлишига асло халақит бермасди. Улар тез-тез Франция, Италия, Швейцарияга боришар, Америкада ҳам булишган, Австралия ва Хитойга ташриф буюришни мўлжаллар эдилар.

Шу тарзда орадан йигирма йил утди, Диккенснинг оиласвий ҳаёти унинг ёзувчиликдаги муваффақияти ва дунёвий шон-шуҳрати каби улуғвор ва метиндеқ мустаҳкам эди.

Аммо Диккенснинг адаб сифатидаги шуҳрати абадий сақланиб, Кэтрин билан оиласвий ҳаёти, эр-хотинлик бахти ғалваларга тұла ҳолда фалокат билан поёнига етди.

1858 йилнинг баҳорида, яъни уларнинг түйи булиб утган фаслда Чарльз ва Кэтриннинг йигирма икки йиллик оиласвий ҳаёти ажралиш билан якун топди. Ажрашув ташаббускори Диккенс эди. У Кэтринни оналик вазифаларини эсдан чиқарганликда айблаб, ажримнинг асосий сабабини эса хотинининг уй ишларини эплай олмаслигида, деб курсатди.

Үн бир болани туқан она учун ажралиш ҳаддан зиёд адолатсизлик, албаттa. Бу борада айтилған важ эса ғирт бемаңни ҳамда кулгили. «Отам үзини худди ақл-идроқдан маҳрум кишидай тутди», – деган эди қызларидан бири Кэтти кейинчалик, бир неча йиллардан сунг ота-онаси-нинг ажрашуви ҳақида тилга олар экан.

Чарльз ва Кэтриннинг эр-хотинлик муносабатлари

нега бу қадар хунук ва машмашали оқибат билан барҳам топди? Оилавий фожианинг асосий ҳаракатлантирувчи сабаби нима (ёки ким)? Диккенсни қариндошлари ажралишга даъват қилганмикан, десак, асло бундай эмас.

Одамлар ўзларининг оилавий муносабатлари ҳақидаги бор гапни бошқаларга жуда кам баён этишади. Ажралиш билан боғлиқ барча фикр-мулоҳазалар, айтилган гаплар кўпинча эҳтиросларга тұла булади.

Диккенснинг шамалари ҳамда гапларига ишонган аксарият мухлислари, бу никоҳ бошиданоқ хато бўлган, барча нохушликларга баҳтсиз ҳаёт сабабчи, дейишди. Мен мазкур даъволарнинг туғрилигига мутлақо ишонмайман. Бу кўр-кўронада, қайгули хулосадир.

Никоҳининг дарз кетиши, оила қурғонини барбод этган кучнинг асл сабабларини Диккенс ўзининг шахсий ёзишмаларида энг катта сир каби тилга олган. Агар у дунёга машҳур романлар муаллифи булмаганида, бу бир умр сирлигича қолиб кетиши муқаррар эди.

Диккенснинг довруқли номи, асарларининг мислсиз даражада оммавийлашиб кетиши бир қоидани ҳаракатга келтирди:

**Барча сирлар бир кун келиб, албатта ошкор булади.**

Ёзувчи биографларининг жон куйдириб ишлаши, маҳсус тадқиқоти туфайли Диккенс ҳаётининг барча тафсилотлари оммага маълум бўлди. Улар таржимаи ҳолда тилга олмаган тафсилотларни эсламасликка уринишиди, албатта. Диккенс уз ҳаётидаги мухим босқичлардан бирортасини четлаб утмасликка ҳаракат қилса-да, фақат бир воқеа ҳақида ёзишга ўзида етарли куч топа олмади.

Ёзувчининг қули бормаган бу воқеа унинг биринчи муҳаббати билан боғлиқ. Каминанинг қатъий хулосасига кура, Диккенснинг ёшлигидаги айнан ана шу лавҳа бутун ҳаётига яширин тарзда таъсир қилган ва оила-

вий ҳаётини барбод этувчи асосий манбага айланган. Түгри, китобхон мазкур ҳодиса билан боғлиқ чорак аср муқаддам рўй берган воқеалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқа борлигига ишонмаслиги мумкин. Ваҳоланки, биринчи муҳаббатидан буён ана шунча вақт ўтган, оилавий ҳаёти издан чиққан эди.

Булар аслида қандай юз берганини англаш ҳамда оиладаги алдов, азоб-уқубат ва парокандаликни такрор-ламаслик учун оилавий фалокатга элтувчи воқеа ҳамда хатти-ҳаракатлардаги мантиқий занжирни тиклаш зарурати туғилди.



Чарльз Диккенс қалбини ҳувиллатиб, унга оғриқ берувчи хотиралардан иборат мазкур воқеа 1829 йилда рўй берган. Ўшанда жушқинликка лиммолим ўн етти ёшли *Мария Биднелл* бўлажак адаб билан учрашган эди.

Диккенснинг *Мария атрофид* гирдикапалак булиши ҳамда оташин муҳаббати қизнинг отонасида норозилик туғдирди. Чарльзнинг эҳтироси қайнагани

сайнин *Мария* хонадони унга совуқдан-совуқ муносабатда буларди. Диккенс уни қандай қабул қилишганини ҳар бир тафсилот, ҳар бир суз ва шамаларигача бутун умр ёдидан чиқармади.

1832 йилда ота-онаси *Марияни* бир неча ойга Парижга жунатишиди. Орадан йигирма уч йил ўтгач, ғам-alamдан ўртанган Диккенс буни шундай хотирлаган:

«Менинг ҳаётим остин-устун бўлиб кетди, орзу-умидларим чиппакка чиқди, чунки қалбим фариштасини таҳсилни якунлаши учун Парижга жунатган эдилар».

Лондонга қайтиб келган *Мариянинг Чарльзга* нисбатан ҳис-туйғулари совиган эди. Аниқроғи, ота-онаси қуллаган

воситалар, денгизга қилинган мұъжаз саёҳат ўз таъсирини күрсатганды. Кечки зиёфатлардан бирида Мария уни телбавор даражада севган Диккенс шаънига «бола-кай» деб юборди. Йигитнинг меҳр-муҳаббати ва таклифи шафқатсизларча рад қилинди.

Диккенснинг бириңчи муҳаббати поймол этилган, у Мариядан ўз севгисига ҳаддан зиёд күп жавоб беражак ҳис-туйғуни кутган әди. Диккенс Мария ҳақида гапирганида мудом «фаришта» сузидан фойдаланаар ёки уни Анжелика деб атарди. Ҳеч ким, бу муҳаббат Диккенс қалбидан шу қадар чуқур ва умрбод жой олади деб ўйламаган. Орадан йигирма уч йил үтгач, у Марияга шундай деб ёзди:

«Мен сизнинг номингизни ҳеч қачон юрагим титрамай эшита олмаганман. Бу йиллар мени рад этилган муҳаббатим, садоқатга тұла ва хотираларнинг азоб бे-рувчи тошлари ила таъқиб этиб келди, юрагимда чуқур из қолдирди. Менда ҳис-туйғуларимни жиловлашдек ёт мойиллик юзага келди. Мен, ҳатто вояга етган фарзандларимга ҳам назокатимни намоён қилишдан құрқиб қолдим».

Романтик муҳаббатнинг шу тариқа емирилиши Диккенс қалбини чуқур яралади. Унинг юраги бир умр ўзи ўйлаб топған гузал соҳибжамол тимсолини сақлаб, шу билан сал бұлса-да, ором топди. Ҳаётдаги аёлларга келганды эса, адид уларни турли тоифаларга ажратар, аммо бирортаси уни қаноатлантирумасди.

Диккенс Соҳибжамол хонимни орзу қилар, уни излар, муҳаббатига муносиб жүшқин жавоб кутишдан чарчамасди. Қэтринга уйланар экан, ана шу ўй-хаёллари, орзу-армоналари рүёбга чиқади, деб ўзини ишонтиришга уринди. Қэтрин муваффақият ва баҳт-саодатга ҳаддан зиёд осон мұяссар бұлды, аммо ҳеч қачон унга эришиш йулларини ўргана олмади. У Диккенснинг меҳр-муҳаббати, муваффақияти ҳамда баҳт-саодатини шунчаки одатий юмуш каби қабул қилди. Қэтрин нафақат уларга мұяс-

сар булишни, балки эрига муносиб жавоб беришни ҳам урганмади. Бу эса Диккенснинг жаҳлини чиқарди. У ўз муҳаббатига жавобан худди Гузал Соҳибжамолга булган улкан севги каби ғоят улкан муҳаббатни талаб қилганди.

Бу Кэтрин учун куч-қувват етмас даражадаги мاشақатли юк эди. Кэтрин Чарльзни ўзича, иложи етганича севар, ҳамиша ҳурмат қиласар, унга қандайдир безовта талмовсираш билан муносабатда бўлмасди. Охироқибатда Кэтрин Диккенснинг хавотирини тасдиқлади. Таъзим қилишга шай турган бағоят гузал мазкур жинс вакиласи мазкур эҳтиромга бутунлай муносиб эмаслигини намоён этди.

Диккенс рафиқаси тимсолида Соҳибжамол хоним сиймосини кўрмоқчи эди, аммо Кэтрин мазкур сиймога бутунлай ёт экан. У бундай роль ўйнашни билмас, истамас ҳам эди.

Соҳибжамол хоним сиймоси Диккенсни ажрашганидан кейин ҳам тарқ этмади. Бу шарпа ўзининг янги моддий тимсолини кутарди, холос. Куп утмай, мазкур ҳодиса ҳақиқатан ҳам содир бўлди.

Бахтга кура, бахтга қарши ҳам Кэтриннинг сингиллари бор эди. Улар Диккенснинг хаёлидаги Соҳибжамол хоним сиймоси билан хайрлашишига ҳар томондан халақит бера бошладилар. Диккенснинг хаёлини паришон қилиб, унга, агар аёл зоти истаса, эркакни ҳар қандай муқомга солиши мумкинлиги ҳақидаги фикрни тиқишитирдилар. Чарльз ва Кэтрин яшаган Лондондаги уйга Кэтриннинг ўн етти ёшли синглиси кўчиб келди.

Мэри ҳаракатчан, оқила қиз бўлиб, машҳур поччасини бутунлай мафтун қилиб қўйди. Ўшанда Диккенс бутун вақтини қунт билан самарали ишга бағишилаган, оқшомлари эса қувноқ ва бахтли оила даврасида буларди.

Чарльз қайнисинглиси даврасида ҳузур-ҳаловат қўйнига шўнғир, уни қизнинг жозибаси ва тезда фаҳмлаб олиш қобилияти мафтун этганди. Гузал Соҳибжамол

хоним Мэри тимсоли орқали унинг қонини жуш урдириб, эҳтиросини қузғарди. Аммо Мария Биднелл, ортидан Мэри Хогарт ҳам унинг ҳукмронлиги ва меҳрмуҳаббатидан бутунлай кетди. У, ҳатто ўз муносабатини Диккенс ҳаётининг бир қисмига айлантиришга вақт топа олмади. Бир куни, кечқурун Чарльз, Кэтрин ва Мэри театр томошасидан қайтишгач, қиз тусатдан вафот этди. Ўшандада Мэри ўн етти ёшда эди. У шундоққина Диккенс нинг қулида жон берди.

Мутлақо кутилмаган кулфат. Диккенснинг ғам-алами чек-чегара билмади. У ҳаётида биринчи марта ўзининг китобларини нашр этишни тұхтатиб қыйди. Мэри дунёдан утгач, ун йилдан сұнг Диккенс дүстігі шундай деб ёзган:

«Мен шунчалик мұкаммал хилқат ҳали вужудға келмаган эди, дея чуқур ишонч ҳосил қилдім. Мен бу қизнинг ички дүнёсини, тенгсиз хазина эканлигини ҳам билардым. Унда бирорта ҳам камчилик учрамасди».

Юқоридаги сұзлар чинакам дард-алам үтиб кетишини, ҳеч қачон қайтиб келмаслигини англатади, аммо бу ҳол Диккенсда бошқача тарзда рўй берди.

Мэрининг қабри учун ҳақ тұлаган Диккенс уни хусусий мулкига айлантирди. У узини вафот этган қизнинг ёнида дафн этишларидан умид қилғанди. Мэри Хогартнинг ногаҳоний бевақт үлими Диккенснинг Гузал Соҳибжамол туғрисидаги хаёлий тасаввурини янада мустаҳкамлади.

«Энг яқин дүстім дунёдан үтганига анча бўлди, – деб ёзди кейинчалик Диккенс. – Ушандан буён қаерда ётма-йин, ҳар тун уни туш кураман, баъзан у тирик куринади. У менга таскин бериш учун шарпалар салтанатидан ниҳоятда сулув, хотиржам, баҳт-саодатга чулғанган ҳолда ҳузуримга келади, шунда заррача кўркувни ҳис этмайман».

Диккенс хотинига тушлари туғрисида гапириб берди. Шундан сұнг Мэри унинг тушига кирмайдиган бўлди. «Мен ўзимнинг сиримни очиб, энг севимли тушимдан, ҳиссиётларимдан маҳрум бўлдим», – деди Диккенс.

Аммо тушлар ҳам, улардаги сирлар ҳам ёзувчи қалбини ҳамиша ларзага солмаган. Диккенсни зимзиёлик қаърида ғойиб булган севги-муҳаббат туйғулари сира тарк этмас, унинг шарпалари, белгиларини ҳамма жойдан излар, шу боис Гузал Соҳибжамол хоним тимсолидан сира айрилмасди. У Диккенснинг ҳақиқий ва энг катта сири бўлиб қолди.

Адигнинг биринчи муҳаббати Мария Биднелл ёш, навқирон Диккенснинг куз олдида мукаммаллик мұъжизаси, латофат ва назокат соҳибаси бўлиб куринган. Аммо қиз унга шафқатсизлик билан рад жавобини берганди. Диккенснинг эҳтиросли ва садоқатга лиммо-лим муҳаббатидан юз үгирган Мария Чарльзнинг кунглида баҳтли оила тўғрисидаги орзу-армонни қолдирди. Диккенс қанчалик уринмасин, орзу-умидлари ва тилакларини хотини рӯёбга чиқара олмади. Фақат Мэри Соҳибжамол хонимнинг ҳақиқий қиёфасини гавдалантириди, аммо у кутилмаганда вафот этди. Бу йўқотиш ва умидсизлик ёзувчини ҳушёр торттирмади. Унинг қалбини Соҳибжамол хоним хаёли ва шарпаси бутунлай маҳв этган, асло тарк этмас, қулай пайтда фаол ҳаракат қилишга тап-тайёр эди.

Оилавий ҳаёт учун энг қалтис ҳисобланган воқеа ана шунда юз берди. Диккенс биринчи муҳаббати Мария билан учрашиб қолди. Улар куришмаганларига йигирма беш йил бўлганди. Чарльзнинг назарида Мария – аёл зотининг энг мукаммал тимсоли, унинг орзу-ниятлари сабабчиси. Чарльз Марияни узининг оилавий турмушида куришни интиқлик билан орзу қиларди.

Уни хотирлар экан, ўзини абадий навқирон ҳис этиб, Мария ҳам айнан шундай навқирон ҳолда ҳузуримга келади, деб үйлаганди. Аммо Диккенс ўз тасаввуридаги Соҳибжамол хоним ўрнига эзма, вайсақи ва тунд бир қиёфани, тижоратчининг хотинини кўрди. Чарльз, бу хоним ҳақиқатан ҳам қирқ йил аввалги Мариямикан, деб ишонқирамай қолди.

Тасаввури ва қалбини Соҳибжамол хоним шарпа-

си бутунлай қамраб олган Диккенс учун Мария билан учрашув оғир ва машақатли синов булди. Ёши үтган, бир-бирини яхши күрган икки инсоннинг ғамга ботган ва маънисиз учрашуви Диккенснинг ақлини жойига келтириши, хаёлий беҳуда орзу-армонларини чиппакка чиқариб, идеалини ҳақиқатга айлантириши керак эди, аммо бундай ҳол юз бермади. Бу Диккенс учун ҳам, оиласи учун ҳам ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмади. Бошқа, мутлақо қарама-қарши ҳолат юз берди.

Мария билан учрашув туфайли рўй берган аччиқ алам туйғулари Диккенсда үтган йилларни ва ғойиб бўлган идеални кўмсаш соғинчи билан алмашди.

«Ҳа, ажиб дамлар эди ўшанд... Менинг шурллик кунглимга ким хотиржамлик олиб кирад экан?! – деб зорланди Диккенс дўстига. – Оилавий баҳт (Соҳибжамол хонимга алоқадор хаёллар) тўғрисидаги сирларим чида бўлмас даражага етганини куриб турибман».

Диккенс бу сирни йўқотишни истамади, ундан қаттиқ азият чеккан бўлса-да, ёш актриса Эллен Тернан билан учрашганидан сунг бу бир неча карра кучайиб кетди.

Айрим маълумотларга қараганда, Эллен Тернан адибнинг қизи қатори бўлиб, ташқи томондан Мария Биднеллнинг ёшлигига ниҳоятда ухшаган. Ана шу ухшашлик ҳам Диккенс оиласи учун қалтис роль ўйнагани уз-узидан маълум.

Хотинидан ихлоси қайтган Диккенс буни анча йиллар пайқамаган эди, аммо Эллен пайдо булгач, у талмовсираб қолди. Соҳибжамол хоним тўғрисидаги орзу рўёбга чиқиши мумкин, ахир! Диккенс «муваффақиятсиз никоҳ» исканжасидан тезроқ халос булиш учун ҳар қандай ишга шай эди.



Кэтрин билан ажралиш тұғрисида узил-кесил бир қарорға келинди. Сал үтмай, никоҳ бекор қилинди. Соҳибжамол хоним билан боғлиқ шарпа рүёбга чиқай деганда Диккенснинг оиласи барбод булди.

Нихоят Диккенс Эллен Тернан билан муҳаббат ришталарини боғлади. Хүш, у ҳаловат ва баҳт-саодат топдими? Йүқ! Бу алоқа Диккенс оиласининг урнини боса олмас, орзуларининг рүёбга чиқиши ҳақидаги умидларини оқламасди. Адібнинг сұнгги муҳаббати ҳам таҳқирланди.

Эллен Тернан Диккенснинг эхтиросга тұла ҳис туйғуларини совуқ қабул қилиб, шу тариқа Соҳибжамол хоним тимсоли яна шарпага айланиб қолди. Диккенс жон берар экан, Элленга одам юбориши. У кечикиб келди, бу пайтда адіб ҳүшини йүқотганди. Диккенснинг васияты Эллен Тернанга минг фунтлик совға ҳақидаги жумла билан бошланғанди. Бу уни таъминлашга етмас, лекин турли миш-мишларнинг тарқалиб кетиши учун кифоя зди.

Ёзувчининг сұнгги муҳаббати талай гийбатларга сабаб булди. Соҳибжамол хоним ҳақидаги орзулар эса оиласи ҳаётига дарз кетиши билан поёнига етди.

Күпинча юқоридайдек кечишининг сабаби шундаки, романтик муҳаббат севувчи ва севимли кишиларни қийшиқ ойнада курсатади. Мафтункор чөхраларнинг бундай қінғир-қийшиқ тимсоли бизга ранж-алам ва ҳақиқий кулфат келтиради. Соҳибжамол хоним шарпаси ёки Рицарь тұхтовсиз равища оиласи ҳонадон қалъасига ҳамла қиласы. Бизнинг тимсолларға нисбатан узоқ дәвом этувчи мәхр-муҳаббатимиз уларнинг кучини тобора оширади.

Аммо үтмишга айланған мазкур ҳолатлар қайғуриб утиришга арзимайды. Акс ҳолда шарпалар тантана қиласы, оиласынан турмушингизни барбод этади.

**Шундай экан, оиласи ҳаётингизни баҳтта чулғаб, сақлаб қолмоқчи бұлсангиз, амалға ошмайдиган севги-муҳаббат шарпаларини қувиб юборинг!!!**

## Баҳт-саодат кимларга боғлиқ?



«Баҳт-саодат фақат ўзимизга боғлиқ», – деган эди император Нероннинг тарбиячиси, Стоик мактабининг машҳур файласуфи, Исо Масих таваллудигача бўлган З-йилда туғилган Люцилий Анней Сенека (стоик – стоицизм тарафдори; стоицизм – юон ва рим фалсафасида материализм билан идеализм уртасида турган рационал фалсафий таълимот). У

нотиқлик санъатини биринчи бўлиб энг юқори поғонага кутарган, ўқиш, ўрганиш нафратга эмас, фахрланишга арзиди, дея эътироф этганди.

Сенеканинг онаси уз даврида машҳур нотиқ Цицеронни ҳадя этган таниқли испан авлодига мансуб бўлган.

Файласуфнинг бизгача етиб келган асарлари орасида унинг Люцилийга, Сицилия прокурорига ёзган хатлари энг яхиси саналади. Прокурор унча ёш эмас, хатларга қараб тахмин қилинганди, Сенекадан кичик, этна тұғрисидаги шеърлар муаллифи, ниҳоят даражада юксак маълумотли ва илмий қизиқиш доираси кенг киши бўлган.

Сенека уз таълимотларида инсонпарварлигича қолган. У инсоннинг ожиз томонларини аъло даражада тушунганди, бу эса, ўзига хос фалсафасининг ҳаётийлигини таъминлаган.

Сенека грек стоиклари четлаб ута олмайдиган ақидалар ҳамда софизм (аслида тұғри күринадиган, аммо чалғитадиган нотұғри фикр тарафдорлари)дан ўзини четга олди. Унинг хатлари фельетонга үхшаш содда, енгил. Фикр-мулоҳазаларнинг кенглиги эмас, балки енгил

шакли Сенека хатларини мутолаа қилишга мажбур эта-ди. Фикр-гояларнинг мазмунини чуқур ўзлаштириш учун уларни оҳиста, мулоҳаза юритиб ўқиш керак.

«Бахт-саодат фақат ўзимизга боғлиқ», – деб таъкид-лаган эди Сенека.

Нерон Сенекани «ўлимни ихтиёрий танлаш»га ҳукм қилди. Уша пайтда деярли ҳар куни у ёки бу таниқли рим-ликнинг ўлими тұғрисида хабар тарқаларди. Улар импе-ратор Нерон буйруғи билан қатл этилар ёки маҳкумнинг ўзи ихтиёрий тарзда танлаб, ўзини ўлдиради.

Сенека дүстларини тинчлантириб, уларни стоик фал-сафасига итоат этган ҳолда йигламасликка күндириди. Шундан кейин ўзининг хотинига мурожаат этиб, күп қайғу-ғам чекмасликни сұради. Севимли эрининг ҳаётига доир хатлар айрилиқни юмшатиши мумкинлиги, құнғилхушлик қилиш кераклигини тайинлади. Паулина, ўлим ҳукми ҳар иккисига тааллуқли эканлигини, томирини кесишга тай-ёрлигини айтди.

Нероннинг Паулинадан нафратланиш сабаблари йүқ эди. Жувоннинг ўлими унинг ҳаддан ортиқ шафқатсиз эканлигини намоён әтарди. Шу боис Нерон Паулинанинг ҳаётини сақлаб қолишини буюрди. Унинг қон томирини боғлаб қўйдилар.

Паулина эрининг хотирасини эъзозлаб, бир неча йил яшади. Сенека шундай деган эди:

«Ким баҳт-саодатга қарам булса, уни баҳтли деб ҳи-соблама. Кимки хушвақтликни ташқи омиллардан изла-са, бу ишончи узоққа бормайди: сиртдан келган шодлик қайтиб кетаверади.

Ўз-ўзидан вужудга келажак баҳт тожи мустаҳкам ва ишончлидир. У узоқ давом этишга мойил булиб, сарҳад билмайди. Аксинча халқ завқ оладиган мұл-куллик, фа-ровонлик уткинчи.

Гарчидунёвий неъматлар ҳузур-ҳаловат бағишлишини инкор этмасак-да, аммо улар бизга бўйсуниши шарт, биз уларга эмас.

Биз тақдирнинг барча инъомларини измимизга соганимизда улар фойдали ва ёқимлидир, чунки ўзимизни ҳам ҳукмимизга тобе қилган бўламиз. Ана шунда моддият ихтиёрига тушмаймиз.

О, Люцилий, кимки фаровонлик ва бадбаҳтлик тақдирдан юборилади, деб ўиласа, хато қилади. У бизга фаровонлик ҳамда бадбаҳтлик манбасини, нарсаларнинг ибтидосини ато этади, холос. Ана шундагина бизда фаровонлик ва бадбаҳтлик ривож топади. Чунки қалбимиз ҳар қандай тақдирдан кучли. Унинг ўзи ҳадя этилган нарсаларнинг барчасини бизга йўллайди, у ёки бу томонга буради ва фақат ўзи баҳтли ёки баҳтсиз ҳаётнинг сабабчиси булади».

Сенека «Баҳт фақат ўзимизга боғлиқ», деб хитоб қилган кўхна Римда оила нималарни қамраб олган эди?

Бутун Рим тарихида деярли барча эркаклар хотинлар устидан тўла-тўкис ҳукмронликни қўлга киритишган. Шу тариқа оталар қизлари турмушга чиққунча улар устидан ҳукм юритишарди. Рим қонунларига кўра, никоҳдан ягона мақсад болаларни дунёга келтиришдан иборат эди. Шу билан бирга оилавий мулк мутлақо бўлинмасдир. Кўп асрлик инглиз қонунчилиги негизида Рим ҳукуки ётган, гарчи уни бузишда қўлланиладиган жазолар сал-пал юмшаган бўлса-да, барибир эркаклар жуда кўп ҳукуки ўзларида сақлаб қолгандилар.

Худди Афинадаги каби Кўхна Римда ҳам эркаклар оилавий мажбуриятларни адо этмаган ёки ахлоқий қоидаларга риоя қилмаган хотинни ўлдириш ҳукуқига эга эди. Рим қонуни эрига хиёнат қилган, номатлуб ҳомиладан халос бўлиш учун маҳсус ичимлик ичган ёки эркакнинг шароб сақланадиган ертұла калитининг қалбакисини ясаган хотинни ўлим билан жазолашга рухсат берарди. Римлик аёлларнинг шароб истеъмол қилиши бутунлай тақиқланган. Ҳаддан зиёд шароб ичган ҳар қандай аёл ҳимматли кишиларга қалбини ёпади ва иллатларга йўл очади, деб ҳисоблашарди. Ва айнан ўша замонлар-

да: «Бахт-саодат фақат үзимизга боғлиқ», – дейилган. Бу ҳақда яхшилаб фикр юритинг.

Мен рим файласуфининг сұzlарини изохламоқчиман. Аслида биз бахтли бұлсак, үзимизни бахтли ҳис этамиз. Борди-ю, бизни ғамгин фикрлар қамраб олса, қайғуга ботамиз. Агар биз үзимизни таъқиб этажак омадсизлик ҳақида үйлаб юрсак, омадсизликлар гирдобига тушиб қоламиз.

Фикр-үйларимиз шахсиятимизнинг үзига хослиги-ни белгилаб беради. Бизнинг ҳаётга муносабатимиз тақдиримизни белгилайди.

Мен күплаб кишилар ҳаётидаги ишониб бұлмас кес-кин үзгаришларни кузатғанман. Шунинг учун улар мени ҳайратта солмай, фақат құлға кирилтілген натижаларнинг түгрилигини тасдиқлайди, холос.

Яна Сенекага мурожаат қиласман.

«Ёвузыл ҳамиша ёвузылкни чақиради, гарчи унга эңг яхши фаровонлик ато этилса-да, барибир шундай бұлади. Соғлом ва оқкүнгіл киши эса тақдир хатола-рини тузатади, у бадбахтликни бартараф этиб, ғам-аламни моҳирона бошдан кечиришга күмаклашади. Муваффақиятни вазминлик, миннатдорчилік ила қабул қиласы, күлфатта сабр-тоқат ва мардона тарзда чидайди.

Кимки ақлли бұлса, ҳар қандай ишни чуқур мушоҳада билан адом этади, кучи етмайдиган ишга урумай-ди. Кимки ҳар қандай тасодифларға қарши ҳозирланиб юрса, ундан тушунмовчилік ариб, ноз-неъмат, фаровон-лик тақдир ҳамласидан тобора нари сурилиб боради.

Сен бошқаларға эътибор беріб күрганмисан (бегона-лар тақдиріга қозилик қилиш жуда осон-да) ёки үзингни тақдир тұхфаларидан моддий манфаат күрган киши си-фатида тасаввур қылғанмисан? Агар тақдир тұхфалари омонат эканлигини англаң етмасаң, моддий неъматлар ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

Шунинг учун агар күлфатта дучор бұлсанг, үзингга зор-ланмай: «маъбудлар бошқача ҳал қилишди», – деб так-

рорлагин. Мен бу назмни сал бошқача қилиб тузатдим, токи у сен учун таскин-тасалли бўлиб хизмат қилсин. Бирор-бир ҳолатда, сен умид қилгандек: «маъбудлар яхши ҳукм қилишди», дегандек вазият келиб чиқмасин.

Бундай фикрлар билан қуролланган киши ҳар қандай тасодифлардан муҳофазаланган булади».

Мен заарарли фикрлардан халос бўлиш ҳамда азоб берувчи ҳиссиётлардан кутулиш учун бир нечта амалий машқларни тавсия этишим мумкин. Мазкур машқларни оқшом пайти дераза ёнида ўтириб бажарган маъқул.

Кўкрак ўртаси, бўйиннинг олд қисми, пешана ва кафтларни юмшоқ лаванда (ҳаворанг ёки бинафшаранг гулли, хушбуй, доимий яшил ўсимлик) мойи билан артинг. Эътиборингизни юрак соҳасига қаратинг. Тасаввур қилингки, кўкрагингизда тешик бор, сиз ана шу жойда симиллаб турадиган оғриқ ва ловуллашни ҳис этдингиз. Чуқур нафас олинг ва нафас чиқаришда ана шу жойдан, кўкрақдаги тешикдан қандайдир қора тутунга ўхшаш нимадир чиқиб кетганини кўз олдингизга келтириng.

Ҳар сафар нафас чиқарганда қора тутун тобора камайиб кетаверади. Кўкрақдаги оғриқ пасаяди ва енгиллик, «елвизак» сезилади. Сиз ёқимли совуқ ҳовурни ҳис этганингизда, билингки, юрагингизга озор берган заарарли фикрлар ҳамда азоб берувчи ҳиссиётлар бутунлай «кетган» булади. Деразадан қоронғи осмонга боқинг, юлдузлар ва ойга, қушнилар деразасидан тараладиган шуълаларга қаранг. Ана шунда фикрий йұналишингиз ижобий ҳолатга киради, сиз бутун борлиққа муҳаббатни ҳис этасиз.

Маълумот ўрнида айтиб утаман: фақат дунё адабиёти классиклари узларини жафокаш деб ҳисоблашлари мумкин, чунки улар ўз ҳис-туйғуларини нафис шаклда ифода эта олишади. Биз, оддий одамлар эса, агар доимий равишда кундалик турмуш ташвишларидан тўхтовсиз зорланадиган бўлсак, атрофдагиларнинг кўп ҳам эътиборини тортмаймиз.

Хаётдан нималарни исташиңгиз ҳақида үйлаб күринг: «космондаги шириң эхтирослар»нами ёки азоб-уқубатларни? Хотиржам, илиқ оиласвий мұхитними ёки одатий инсоний мұносабатларни? Унисини ҳам, буниси-ни ҳам бир жойга тиқиширишнинг иложи йүк.

Мен «ҳавойи эхтирослар»дан холи ҳолда оила қурған күплаб аёллар ва әрқакларни биламан. Хүш, нима бўпти, дейсизми? Улар илиқ мұносабат ва барқарорликка сазовор бўлишди.

Агар әрқақдан ғайритабии ҳис-туйғулар талаб қилинмаса, у чин юрақдан кечадиган сұхбатингиздан миннэтдор. Демак, жамоат ишларига қизиқиши кучаяди, тайёрланган таомни хуш кўради. Хотиржам, хушмуомала тарзда хушбахтликни ҳис этади. Хотиннинг ҳам доимий дикқат-эътибор, ғамхўрлик ва әркаланишлардан боши кўкка этади.

Мен ҳаётга интилишни бир томонлама таърифлай олмайман: «осмоний эхтирослар» маъқулми ёки хотиржам, рационал, табиий никоҳми?

Сенека дўсти Люцилийга нима деб ёзганига эътибор беринг:

«Шўрлик одам шундай зотки, у келажакни үйлаб ташвишга тушади. Энг баҳтсиз киши, умримнинг охиригача роҳат-фароғатда яшай, деб қайғуради. Бундай одам ҳамиша жонсарак бўлиб, келажак учун ташвишланиш, ҳадиклар туфайли ҳозиргисини йўқотади. Ваҳоланки, у ҳузур-ҳаловат топиши мумкин. Боз устига йўқотишдан қўрқиш йўқолгандан кейинги ғам-ташвишдан оғирроқдир.

Мен, бутунлай беғам бўлиш керак, демоқчи эмасман: хавф-хатарни бартараф этиш ҳеч қачон халақит бермайди. Ақл нимани кўриши мумкин бўлса, уни кўра билмоқ лозим. Хавф-хатарни анча олдиндан англаш, уни рад этиш керак. Сенинг қатъиятинг, ақл-заковатинг, ҳар қандай бало-қазолар туфайли тобланган фаҳм-фаросатинг ана шу мақсад йулида хизмат қилади.

Кимки баҳтсизликни чидам билан утказса, ундан үзини